



Русия томонидан қарам қилинган туркман уруғлари Бухоро ва Хива хонликлари ерларида яшар эдилар. Уларнинг бир қисми уруғчилик асосини сақлаган ҳолда хонлиkning бир қетида яшасалар, бир қисми ҳеч бир давлатга тобе эмас эдилар. Бу уруғлар(Энг машҳур туркман уруғлари ва улар тарқалган ерлар - жондор

- Хива билан Каспий орасида, ёвмудлар - Каспийнинг жануби ва Хиванинг жанубий-ғарбида, гўклар - Эрон чегараларида, Текелар - Ахал-теке воҳаси ва Марвда, сариклар - мурғобнинг ўрта оқимида; соларлар

- Марв теваари ва Хуросонда, эрсарилар - Амударёнинг ўрта оқимида, қиёсланг: Сраплика, The Turks of Central Asia, Oxford, 1918, 34-6. Салар, ёвмуд, жондор ва текелар XVIII асрдан бери Хива хонлигига қарар эдилар. Қиёсланг: Брегель, Хоразмские туркмен, Bregel, Kharezmskie. Turkmeny, 23-6. Уруғ бошликлари мўсафидлардан ёки жасур, ақлли ёшлардан ҳам сайланар эди. Уруғларнинг қичик бўгинларга бўлиниши ҳақида қаранг: Галкин, 6-12-6; Franzis von Schwarz, Turkestan, 46-6.) яшаб қилиш учун ўзаро урушишлари қабил бошқа давлатлар билан урушда ҳам қатнашардилар. Ўзаро бирлашмаслик уларнинг мудофаа қобилятини заифлаштирган эди.

Руслар Красноводск ва Шарқда мавқеларини мустаҳкамлаб олган, туркманларни

бўйсундириш асосий мақсад бўлиб қолди. Хива босиб олинган, генерал Горлвачев бошчилигидаги харбий қисм туркманларга қарши отланди, асосан ёвмудларга қарши қаратилган бу қуч уларни Хива хонлиги доирасида 1874 йили бўйсундирди. Россиянинг мақсади Эрон чегараларига етиш эди. Бунга фақат туркманларни рус асоратига солиш билан эришиш мумкин эди. Генерал Ломакин қўмондонлигидаги яна бир қисм 1871 йилдан 1879 йилгача узлуксиз тақе туркманлари билан уруш олиб бориши ҳам натижа бермади(М.Анненков, Ахал-Текинский, 4-6.). 1872 йилдан полковник (албай) Морозов бошчилигидаги рус қучлари Кизил Арват томонга ҳаракат қиларди. Улар бу шаҳарни фақат 1877 йил майида ишғол қила олишди, аммо Красноводск таянч базасидан анча узоқ бўлганлиги учун уни ташлаб чиқишга мажбур бўлдилар. Бунинг ҳисобига ҳаракатни шиддатли давом эттиришни таъминлаш учун 1878 йили Атрек ирмоғи бўйида Чат қалъаси қурилди. Яна 1876 йили 14 январда Кавказдаги Тоғ ўлкаси доираси амираи Франклин, Ахалтеке туркманлари юртида Россия нуфузини қучайтиришининг яна бир режасини тақлиф қилди. Кавказ бош қўмондони бу режани маъқуллаган бўлса ҳам Петербург ҳохламади. Бундан ташқари, 1877 - 1878 йилларда рус қўшинининг ҳаракатни давом эттиришига тўсик бўлган ҳодиса Россия билан Ўсмонли турк давлати ўртасидаги уруш эди. Англиянинг 1878 йилда Қобул, Қандаҳор, Ғазнага қириши Россиянинг босқинчилик режасига бир ҳамла эди. Ахалтеке воҳасини ишғол қилиш билан руслар Хуросон чегараларига яқинлашиб, бу ердан Англияга қарши унумли ҳаракат қилишни мўлжалларди. 1879 йил 21 январда Ахалтеке воҳаси муаммосини ҳал қилиш борасида музоқара олиб бориш учун Кавказ волиси йиғилиш уюштирди. Бу мажлисда харбий нозир Милютин, Ташки ишлар нозирлари ёрдамчиси Н.К.Гирс, бош штаб бошлиғи Геядин ҳамда В.В.Гуртшин, А.И.Глуховский, А.Н.Куропаткин каби генераллар иштирок этдилар. Бу йиғилишда Чат қалъасидаги бирликларни 1879 йил илк баҳорида ҳаракатга келтиришга қарор қилинди. Фақат Марв шаҳри ишғол қилинмайдиган бўлди(Халфин. Присоединение., 344-6.). Мақсад Гўктепени қўлга олиш эди.

Руслар Ахалтеке воҳаси учун қилган урушда қатъий жанглар бошлангунча, бир неча бор мағлубият захрини тоғиб қўришга мажбур бўлдилар. 1877 йил 9 сентябрда Гўктепага ҳужум қилдилар. 177 мурда ва 268 ярадор қолдириб, чекинишга мажбур бўлишди. 28 сентябрь 1877 йили 23 бўлинма, 14 суворий бўлинма ва 16 тўп билан яна ҳужум бошладилар ва орқага улоқтириб ташландилар(Von Vartenberg, 84-6., Тихомиров, 42-6. Жанг 28 август 1879 йилда бошланди. Руслар 12000 аскар билан ҳужум қилди ва 464 жасад қолди-риб чекинди.). Тахминан бир йил кейин 1879 йилда 27 августда рус қисмлари Ломакин қўмондонлигида Денгилтепага ҳужум қилишди. Уларнинг қаршисида Бердимуродхон бошчилигида қилоҳли ва қилоҳсиз муқофачилар турарди. Улар 2000 шаҳид бериш ҳисобига босқинчиларни орқага чекинишга мажбур қилишди. Русларнинг генерал Тергуказов бошчилигидаги Бендесен қалъасига қилган ҳужуми ҳам тўхтатилди(Тўлик маълумот Abaza, 264 - 276-бетларда.). 1874 - 1879 йиллар орасида руслар Ахалтеке воҳасини босиб олиш учун 9 батальон, 10 суворий бўлинмаси ва 16та тўп билан қилган ҳужумлари муваффақиятсизликка учради(Макшеев, 314-6.). Рус манбаларидан 1879 йилда Гўктепа урушида 18 943 рус аскарларининг шикаст еганлигини қиламиз(Гродеков, IV, 310-6.). Бу рақамлар аслида, руслар тўплаган қучнинг қай даражада қўп эканлигини қўрсатади.

Жуда кўп ва муваффакиятсиз тўқнашувлардан сўнг

1880 йил 1 мартда рус рахбарияти Русиянинг Оврупода ва ислом дунёсидаги обрўсини саклаб қолиш учун ҳар қандай қурбон эвазига бўлса ҳам, Ахалтекени ишғол қилишга қарор қилди. Гўктепа ҳаракатининг раҳбарлиги Хазар денгизи атрофи ҳарбий ноҳияси қўмондони генерал Скобелевга берилди. Туркистонда «қўзи конли» лақабини олган бу генерал(Сагое 2-нашр, 80-6.) Қўкон хонлиги сафарларида алоҳида қўзга ташланган эди. У қучларининг ҳаракати ҳақида берган фармонида шундай дейди: «Руслик шарафи» урушда ўлган қуролдошларининг интикомини олишга қорлайди»(Тихомиров, 46-6.). Шундай шараф ва интиком ҳислари билан қуролланган 10 000 аскар, 18 тўп, 5394 тўп ўқи ва 1786 от билан 1880 йил 18 майда Гўктепа томон юра бошлади(Abazaga биноануларнинг миқдори 11000 эди. (64 бўлинма, 8та казак юзлиги ва 97 тўп) 217-6; Гродеков бўйича эса аскарлар атиги 4570 нафар (25 бўлинма)дир. Война, II. 1-2-бетга кўра (86-6) 31 бў-линма, 12 казак юзлиги ва 48 тўпдан иборат эди.). Скобелев аскарларини ҳал қилувчи урушга ундашдан аввалроқ 1880 йил 18 июнда генерал Куропаткинга шундай деб ёзади: «Осиёни факат асоратга солиш керак, жуда бўлмаса уни эсидан чиқмайдиган қилиб савалаш керак»(Тихомиров, 47-бет.). Така туркманлар ҳам ўзларига Скобелев ўртага ташлаган «Бизнинг икки йўлимиз бор: «ё ўлим, ё галаба(Abaza, 304-бет.)ни айнан қўллаб, уруш ҳозирликларини кўрдилар. Афсуски, халқнинг назари тушган хон Нурберди 1880 йил 28 апрелда ҳаётдан қўз юмади. Унинг ўрнига ўгли Махтумқули сайланди. Айни замонда Ўроз Мамедхон бош вакил, Қурбон Муродхон бош ҳоким ва Тикма Сардор Денгилтепа қўмондони этиб сайландилар. Сўнгги икки шахс(Тикма сардор Мамед Назар ўгли, 13 ёшидан жангларда қат-нашган, 15 ёшида эронийлар томонидан асир қилиниб, 6 ойдан сўнг қочиб кетган. 17 ёшидаёқ юзбошилиққа қўтарилди. 1843 йили Машхадга қирган туркман қисмларининг бош қўмондони бўлди. 1867 йили Хайдарободда (Эрон) туркман жангчиларининг етакчиси бўлди. 1869 йили Кизилсув (Красноводск)да русларга қарши жанг) мудофаа жангида юксак жасорат билан урушни бошқариб, шуҳрат қозонди. Жанглар натижасида химоячиларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашди. 1879 йили қўшинни озик-овқат би-лан таъминлаш учун Эрон билан учрашувлар бўлиб, Хуросоннинг шимолидан озик-овқат олишга руҳсат берилди. Бирок Эрон туркманларга емак сотмасликка қарор қилди. Шундай қилиб, мудофаачиларнинг ўз иқтисодий имконларига суянишдан бошқа чораси қолмади. Ҳар тарафдан қуршаб олингани учун ҳам бошқа умид йўқ эди. Қурол ҳам етарли даражада эмас эди. Қалъада факатгина битта тўп бор эди. Баъзи уруглар орасида ихтилофлар ҳам қўрина бошлади. Эрали бошчилигидаги Отабой уруги урушнинг давом этиши тарафдори бўлса, хон Явмудский (рус қўшини полковниги) мансуб бўлган Қўшли раҳбарлигидаги Жафарбей уруги урушнинг тўхтатилиши тарафдори эди. Скобелев Қўшлини қабул қилиб унга: «Бир томчи рус қони учун душман қонини дарё қаби оқиши... Туркманлар уларга ёрдам берса, ўзлари учун яхши бўлишини, акс ҳолда уларни йўқ қилишини» айтди. Бунга қарши бутун туркман орасида ўз озодлиги химояси учун етарли жасорат ҳукмрон эди. Урушнинг натижасини ҳал қиладиган жанг бошланишидан олдин Скобелев 1880 йил 10 майда тенглик шартнома матнини эълон қилди(Гродеков, Война, II 44-6.). Бу матн қуйидаги шартларни ўз ичига оларди:

1. Сумбар-Арчман темир йўлининг курилиши.
2. Туркманлар русларга 10 000 от беришлари керак.
3. Яна туркманлар уруш товони сифатида ярим миллион сўм тўлашлари керак.
4. Нуфузли оилаларнинг аксарият ёшлари гаров сифатида Русияга жўнатилади.
5. Кизил Арват, Арчман, Гўктепа, Ашхабод ва бошқа мухим ўлкалар ишгол килинади.
6. Ахалтекега оид ерлар ок подшонинг ўз мулки деб эълон этилади ва ок подшо хохиши билан идора килинади.
7. Бутун тарихий хужжатлар, кўлёмалар ва китоблар русларга берилади.
8. Озик-овкатларни туя ёрдамида вохадаги рус қисмларига тортик килинади.
9. Эшон ва Сардор (харбий кўмондонлар) оилаларидан бирмунча кишилар гаров сифатида русларга таслим килинади(Гродеков, Война, II, 11, 71 - 72-б.).- Туркманлар бу тинчлик шартномасини катъий рад этдилар. Бундай тинчлик шартномасидан сўнг мудрофаачилар учун факат бир йўл колганди: «ўлим ё урушни давом эттириш».

Скобелев туркманларга карши тадбирлар бошлашдан аввал яширин чоралар кўрди. 1880 йил 17 майда ишбоши полковник Гродековга шундай буйрук берди: «Отабой ва Жафарбей оилалари ва нуфузли сиймоларининг рўйхатини тайёрланг. Уларни кўрмокчи ва совгалар килмокчиман. Сиз мени кузатиб борасиз. Сиз уларни меҳмондўстлик одати ва туя сайили бахонасида хадялар топширилиши муносабати билан бир жойга тўпланг. Бунда бир сир ва жуда фойдали иш бор».

Хакикатан ҳам, чакирилганларнинг бир қисми «таклиф»га(Асирлар орасида: Эрали, Кўсдели, Аба Хожи, Мусахон, Танхаб Мурат Сатлик, Дурди, Ризокул, Назарбой, Ота Муродлар бор эди. Каранг: Гродеков., Война., 60-61-б.) ишониб келди. «Меҳмонларнинг» хаммаси катл килинди.

1880 йил 6 июлда руслар Еген ботир калъасига хужум килди. Улар калъани ишгол килишни уддалай олмадилар. Мудрофаачилар уч йўналишда хужумга ўтишди. Тикма Сардор калъадан, Аваз дурди Сардор сахро томондан, Нурмухаммад Сардор тепадан хужум уюштиришди. Русларнинг йўқотишлари аникланмади. Факат руслар така туркманларнинг 15 000 нафарини ўлдирганликларини баён килдилар. Бу киргинбарот урушда мудрофаачиларнинг мумтоз кўмондонларидан Худоёрхон, Оллохнур, Нефес Карабелох ва Беркалихонлар шахид бўлдилар(Гродеков, Война, П., 145-146-б.).

1880 йил 20 декабрда 52 тўп, 2 минг отувчи билан 6 300 рус аскарлари Янги калъага юрдилар. Жанглар 23 декабргача давом этди. Генерал Петрусевич қисмидан факат 60 нафари тирик қолди. 27 декабрда руслар Денгилтепага хужум килдилар. Денгилтепа Гўктепа мустахкам бўлимида хақикий бош калъа эди. Гўктепа жуда кўп кўчалар, каналлар, полиз ва калъаларни (буларнинг орасида Денгилтепа ҳам бор) ўз ичига олган минтака эди. Ўша куни руслар беш нафар штаб офицери ва 91 нафар аскар йўқотгани айтилди. 30 декабрдаги ҳамла ҳам улоқтириб ташланди. Бу ерда мудрофаачилар кўлларида тош, таёк, ханжар ва болта каби қуроллари билан 1200 киши карши хужумга ўтдилар. 1881 йил 4 январда руслар калъа деворидан тешик очиш учун 65 158 та енгил қурол ўқлари, 625 тўп ўқлари ва 42 та ракета отдилар, аммо натижага эриша олмадилар. Жанглар 6 январгача узлуксиз давом этди. 6 январда Скобелев мудрофаачи-ларга

ўликларни йигиб олиш учун рухсат берди. Воситачиликни полковник Хан Явмудский бажарди. Бирок мудрофаачилар Скобелевнинг бу таклифини рад этиб, шундай дедилар: «Руслар билан ҳеч канака музокара олиб борилмайди ва ўт очиш учун ҳар ким ўз истехкомидан ўрин олсин». Воқеалар шохиди бўлган бир рус кейинрок шундай ёзади: «Душман жуда мард ва номусли эди» (Гродеков, Война II, 264 - 265 б.). 1881 йил 8 январда руслар калъа деворлари-ни яна ўкка тутдилар. Бир ёрик очишга муваффақ бўлдилар, аммо калъага кира олмадилар. 11 январда 200 757 ўк, 1772 снаряд, 264 ракета билан ўт очдилар, 13 мурда колдириб ва 52 нафари ярадор бўлиб чекиндилар. 12 январда тўрт томондан кўп қисмлар билан (11,5 бўлинма билан Куропаткин, 8 бўлинма билан Коселков, 4 бўлинма билан Гайдаров ва 21 бўлинма билан Скобелев калъага ҳужум қилдилар. У қўнғи ҳужумга 221 офицер, 6627 аскар, 88 тўп ажратилди. Улар 286314 ўк, 5604 тўп ўқи ва 224 ракета қўлладилар. Мудрофаачилар 6000 киши қурбон берди. Калъа қўлдан кетди. Қимматбаҳо ашёлар талон-торож қилинди, руслар 6000000 сўмлик ўлжага эга бўлдилар (Гродеков, Война, III., 293-6.). Русларнинг берган маълумотларига қўра, Денгилтепа қамалида 1104 рус аскарлари ўлган эмиш (Куропаткин, Geschichte des Feldruges, 190-6.). Бу қатта жангнинг бошланишида калъада (1880 йил июлига қадар) 5000 қуролли кишилар билан тахминан 30 000 киши бор эди. Калъа таслим бўлгач, унда фақат 5000 хотин ва болалар тирик қолди, аммо улар ҳам қочаётган вақтларида зарбага учрадилар. «Текелиқлар қамалнинг бошланишидан бери ўлим учун қурашдилар. Ҳужумлари, айниқса, дахшатли эди. Қечалари мушук қаби сакраб, арслонлар қаби ҳамла қилардилар» (Тихомиров, 54-6.; Antagonismus, 44-6: «Қамал қилувчилар қўлига тушган барча мудрофаачилар қатли ом қилинди Markov, 292-бетга қўра, «Тўктепада 23 мингга яқин аёллар бор эди, аммо булардан ҳеч бири қочишни истамасди»). Скобелев Денгилтепа ичида 6400 жасад қўрди, бошқалари қарши ҳужумда шаҳид бўлган эдилар. Соғ қолганлардан таъқиб юзасидан 200 киши ўлдирилди. Хотинлар ва болалар яна очликдан ўлдилар (Abaza, 289-6.). Қаҳрамон мудрофаачиларнинг йўлбошчилари Тикма Сардор, Қул Боти, Аваз қули 1881 йили 21 мартда асир олиниб, 9 апрелда Петербургга жўнатилди. Денгилтепа қўлга қирғач, руслар 28000 верст² ерни ишғол этдилар. Эронга қарши мавқени мустаҳкамлаб, Тажан водийсида навбатдаги истилолар учун фурсат қутдилар. Техрондаги Россиянинг бош элчиси 1881 йил 14 январда шох Насриддинга Гўктепа ишғол қилинганини билдирди (Гродеков, Война, IV, 52-бет.). 1881 йил 9 декабрида Россия билан Эрон орасида чегара шартномаси тузилди. Атрек дарёси икки давлат орасидаги қатъий чегара сифатида белгиланди (Битимнинг русча матни учун қаранг: Гродеков. Война, IV, 107 - 110 б.).

Гўктепа уруши дунё тарихининг андухли ва дахшатли қисми бўлган XIX юзйилликнинг энг қонли ариғи бўлди. Гўктепа мудрофаачилари алоҳида бир характер соғломлигини қўрсатдилар. Генерал Ломакин шундай деди: «Уларнинг орасидан миқдори қанча бўлишидан қатъи назар қўл учун жосуслик қиладиган одам топиш мумкин эмас. Улар ўз миллатларига содиқ инсонлардир. бу садокатни на ҳадялар ва на таҳдидлар билан қимирлатиб бўлмайди» (Тихомиров, 42-6.).

Фақат шундай кишилар топилдики, улар бу қонли урушда савдогарлик қилиб қўл ишлади: русларга туя сотиш (1880 йил 23 январда Нургелди Мурод билан рус харбий қисмлари вакили Тероганов орасида Муроднинг русларга 8000 туя сотиши ҳақида ҳужжат тузилди. 1880 йил 15 майда рус илғор қисмларини 1881 йил 1 январига қадар гўшт эҳтиёжини қондиришга доир туркманларнинг вакиллари Ҳакимбек, Ниёзмамбет, Мулла

Нургелди билан Скобелевнинг мингбошиси Епифонов орасида савдо битими тузилди. Киёсланг: Гродеков, Война, II., 55-6.) билан аслида, уларга фойда келтирди(Гўктепа жанги тарихини ўрганиш юзасидан мухим адабиёт-лар: Н.И. Гродеков, Война в Туркмении. Поход Скобелева в 1880 -1881 годах, СПб. 1883 - 1884, бу асар 4-жилддан иборат, Куропаткин, Завоевание Туркмении. Поход в Ахал Теке в 1880 - 1881 годах с очерками военнмх действий в Средней Азии с 1839 по 1876 годах. Спб. 1889, 224 бет. (немисчаси: 79 - 197 бетлар); К.Гейнс. Очерк боевой жизни Ахалтекинского отряда 1880 - 1881 годах, СПб. 1882.). Уруш тугагач, 1881 йил 19 январда Скобелев калъа деворла-рини бузиб ташлаш ва Гўктепани омон билан хайдашни буюрди. Буйрук бажарилди. Гўктепа фожиаси турклар учун гоят аламли бўлса, рус лашкарининг «порлок зафари» бўлиб, тарафларнинг маънавий ҳаётида хотираси унутилмасликка лойик бир ходиса сифатида кайд килинган. Гўктепанинг кўлга киритилиши русларга Хазар денгизи хавзасидаги бошқа ерларга кириши учун кенг йўл очиб берди. 1881 йил 17 январда 89 офицер бошчи-лигида 2689 аскар Ашхободга юрди ва шаҳарни ишғол килди. 4 апрелда 5000 аскар Тажан дарёсини тўғри кечиб ўтди. Навбатдаги режа Марвни Россияга кўшиб олиш эди. Инглизлар ҳам Марв муаммоси устида бош котираар эдилар. Инглизлар сиёсати Марв масаласи бўйича «Марв келажакда нима бўлади(Тўлик маълумот учун қаранг: Boulger, Central Asian questione, 147- 165-6.) саволига жавоб бериши керак эди. Улар русларнинг Марвга киришидан хавотирда эди. Рус рахбарияти ҳам инглизларни ортикча тахликага туширмасликка интилар ва Марвни «сулх воситасида Россияга кўшиб олиш учун баҳона изларди». Аммо рус қахрамони Скобелевнинг қарашича; «Марвни сулх йўли билан Русия қарамоғига ўтказиш, ҳурматта-лаб бир тушунча эди. Марв билан факат тўплар ёрдамида музокаралар олиб бориш» мумкин(Халфин. Присоединение, 307-6.). Рус бошликлари Скобелевнинг бу тавсиясини жуда аниқ тушунар, бироқ янги бир Гўктепа воқеаси содир бўлишидан чўчиб, аввал тайёргарликни кучайтиришни лозим топди. Ҳукумат босиб олишни аста-секинлик билан амалга оширишни кўзларди. Русхарбий қисмларинингҳаракатлари Марв аҳолисининг осойишталигини бузди. 1881 йили 3 февралда Марв оксоколлари тўпланишиб, русларга қаршилиқ кўрсатишга қарор килди. Айни пайтда ёрдам сўраб, 30 кишилиқ хайъат Қандахорга жўнатилди, аммо ёрдам бўлмади. 3 февралда қарвончилар қиёфасидаги 3 нафар рус офицери лашкар ўтадиган йўлларни ўрганиш учун Ашхободдан Марвга жўнатилди. Бу «қарвон» 25 февралда Марвга етиб келди(Коншин Н.Н. номигагина қарвон раҳбари эди. Субайлар (қў-шинбек - офицер) қуйидагилар эди: Соколов, яширин исми Платон ога Космх (Северинбек), Алиханов (Козонли Максуд), қаранг: Тихомиров, 113-6.). Бек уруги оксоқоли Қорақулихон бу «қарвон»дан шубҳа килди ва офицерлар аниқ маълумот тўплай олмадилар. Март ойида эса 29 кишилиқ Марв хайъати Ашхободга кетди. Бобоҳон раҳбарлигидаги бу хайъат Марвда мустақил бир хонлик тузиш борасида руслар билан музокаралар олиб борди, лекин бирор натижага эриша олмади.

1883 йил баҳорининг охирида Тажан водийсида рус харитачиларининг бир гуруҳи пайдо бўлди. Уларни туркманлар бартараф қилишди. 1883 йил ноябрида полковник Муратов бошчилигида рус қисми «Русларга тажовуз қилган варварларни (вахшийларни) жазоламок учун Тажан дарёси водийсига юрди ва Марвдаги энг мухим ҳаракат таянчларидан бири бўлган Қарра Бандни ишғол қилди. Муратовга бир гуруҳ аскарни таржимон билан Марвга юбориш буйруги берилди. 22 декабрда улар қавказлик Алиханов ва Пасто Плиер, 20 қазак ва 12 туркман қузатувида Марвга қелишди. Алиханов

туркман катталари (вакил уругидан Мухаммад Юсуф, бахши уругидан Сари ботир ва бек уругидан Мурод) билан музокара олиб борди ва уларни Марв хокимияти қабул қилишини талаб қилди. Яна шу нарса алоҳида таъкидландики, агар талаб қабул қилинмаса, халқ бошига Гўктепадагидан ҳам даҳшатлироқ мусибат ёғдирилишидан қутулиш мумкин эмас. 1884 йил 1 январида Марв катталари 300 кишидан кўпроқ вакиллар иштирокида йигин уюштиришди. Бу йигинда ҳам Алиханов русларнинг талабларини қабул қилдиришга уринди. (Алиханов ўртокларига шундай эътироф қилади: «Отам 40 йил русларга астойдил хизмат қилди, мен эса 20 йилдан бери итдек хизмат қиляпман. Худога шукр, биз иккаламиз ҳдм мусулмонмиз. Тихомиров., 142-6. Алиханов Аварский (у авар эди) кейинроқ полковник сифатида туркманлар орасида бир замонлар Тевкелов козоқлар орасида ўйнаган ролни ўйнади.) Шу ерда у ўзининг мусулмон эканлигини тасдиқлашга ҳаракат қилди. Мажлис Марвнинг келажagini хал қилиш учун Ашхободга бир хайъат жўнатишга қарор берди. 1884 йил 31 январда Ашхободда ўруслар билан марвликлар орасида 10 моддадан иборат шартнома тузилди. Бу шартнома бўйича туркман хонлари мухторликка эга бўлиш ҳамда бир рус офицери томонидан назорат этилиши қабул қилиниши лозим эди. Битим тузилган захотиёк генерал Комаров бошчилигидаги рус харбий қисмлари (4 бўлинма, 2 та казак юзлик (рота)лари, 20 нафар туркман, 6 батарея, 6 та тўп билан Марвга юриш қилди. Бу қисмлар 1884 йил 24 февралда Марв атрофидаги Гариб отага етганларида 4000 туркман билан тўқнашишди. Химояни туркманлардан Кужархон ва Сиёх Пушлар бошқардилар. Уламолар мусулмонларни, халқни ватан учун жангга қиришга даъват қилди. 1884 йил 2-3 мартда тахминан 2000 туркман Комаров қисмларига ҳужум уюштирди. Комаров бирликлари қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. 3 март 1884 йили рус бирликлари Мурғоб дарёси бўйлаб юриб, 14 мартда Марвни босиб олдилар. Бахтга қарши така туркманлар хони марҳум Нурбердихоннинг беваси Гулжамол урушга қаршилиқ қилди. Ўғиллари - Гўктепа мудофааси сардори Махтумқулихон ва Юсуфхон Гўктепа қўлдан чиққач, Марвда макон топган эдилар. Улар оналарининг гапидан чика олмади. Туркманлар умидсиз бир ҳолатга тушдилар. Уларнинг Эрондан ёрдам қутиши (қирқ кишилиқ Бакохон бошчилигидаги хайъат ана шу мақсадда 1881 йил июлида Машҳадга кетганди) ҳам беҳуда эди. Техрондаги Россиянинг бош элчиси Эрондан Тажан ва Марв туркманларининг ишларига аралашмасликни талаб этди ва бунга муваффақ бўлди ҳам. Марв масаласи юзасидан инглизлар жуда кўп гапирган бўлсалар ҳам ҳеч қандай ҳаракат қилмадилар. 1884 йил 4 мартда Марв ишғол қилиниши билан русларнинг таъбири билан айтганда «Марв ва теварагини сулҳ йўли билан Россияга қўшиб олиш» тамом бўлди (Марвнинг Россия томонидан босиб олинishi мавзусида энг муҳим тадқиқотлардан бири Тихомировнинг иши ҳисобланади. Рус тилидаги бошқа манбалар: А.А.Семенов, Очерки из истории присоединения вольное Туркмении (1881 - 1885 й.) Ташкент, 1909., Халфин. Присоединение 354-370 б. Рус тарихчилари инглизлар ҳақида муболага билан ёзишни яхши кўрадилар: Фотима Юлдашбаева. Из истории английской колониальной политики, 125-бетда: Марвнинг руслар томонидан босиб олинishi туркманларнинг бу воҳдсини гўё азалдан қўлга қиритиш ҳдқидаги инглизларнинг режасини бузиш билан боғланар эмиш.). Марв истилосидан кейин руслар 1884 йил 31 январь шартномасидаги туркман хонларига мухторият бериш ҳуқуқини амалга оширмадилар. Аксинча, Тажан воҳаси идорасини Махтумқулихонга бердилар. Айни замонда Алиханов Марв шаҳрининг ҳокими қилиб тайинланди. Туркманлар алданганликларини сездилар. Фақат рус қўшини ўз хоҳишича иш юритаётганидан янги бир шартнома тузишни таклиф қилишнинг имкони йўқ эди.

Русия факат Марв Тажан вохасини босиб олиш билан каноат килмади, ок подшонинг 1887 йил 6 август карори билан маркази Байрам Алида бўлган Мурғобнинг ўнг соҳилидаги 103908 десятина ер ҳам Русиянинг ўз мулки деб эълон килинди. Бу «мулкнинг идораси кўшин химоясида амалга оширилиб, тўғридан-тўғри ок подшога бўйсунар ва даромад рус подшолигининг шахсий хазинасига бориб тушар эди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан